

**ЯНА “ТУРКИСТОН”
НАВИ ВА СУВ ОМБОРИ
ХАҚИДА**

4-бет



**ФОЛИБ
МАШИНА БИЛАН
ТАҚДИРЛАНАДИ**

6-бет

**АБДУЛЛА ОРИПОВ
ХАҚИДА ФИЛЬМ**

7-бет

Вилоят ижтимоий-сиеций газетаси

Жанубий Қозогистон

1991 ыйл 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба күнлари чиқады

2021 ыйл 12 октябрь, сешанба. №105 (3010).

САНОАТНИНГ УСТУВОР СОҲАСИ

ПРЕЗИДЕНТ ҚАСИМ-ЖҮМЕРТ ТҮҚАЕВ «СИБУР ХОЛДИНГ» БОШҚАРУВИ
РАИСИ ДМИТРИЙ КОНОВНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ



Давлат раҳбари бугунги кунда углеводородларни сифатли қайта ишлаш Қозогистон нефть ва газ саноатининг устувор йўналишларидан бирига айланганини таъкидлади. Президент полипропилен ва полиэтилен ишлаб чиқариш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланганини олқишилади. Бу лойихалар «Самруқ-Қазина» ва «ҚазМунайГаз» компаниялари томонидан амалга оширилади. Қ. Тўқаевнинг фикрича, бу шартнома Қозогистон ва Россия ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга янги турткни беради.

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ МУҲОФАЗАСИ – УСТУВОР МАҚСАД

ҚР Соғликни сақлаш вазири эмланмагандарнинг ишлашига рухсат берилмаслигини маълум қилди.

Қозогистон Соғликни сақлаш вазири мажбурий эмлашни ишга қабул қилиш шарти сифатида тасдиқлади, дея хабар беради Kazinform.

Қозогистон Республикаси Соғликни сақлаш вазири Алексей Цой «Ўтқир респираторли вирус инфекциялари, тумов ва уларнинг кучайиши(пневмония), менингококк инфекцияси, чечак ва қизамиқ пайтида санитария-эпидемияга қарши, санитария-профилактик чораларни ташкил этишга ва уларни олиб боришга қўйиладиган санитария-эпидемиологик талабларга» қўшимчалар киритиш тўғрисида бўйруқка имзо чекди. Ҳужжат 17 октябрдан кучга киради. «Бўйруқ бўйича, коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш мақсадида, фақат COVID-19 га қарши эмланган ходимларга кун давомида ишлашга рухсат берилади. Эмланмаганлар, агар улар коронавирус ташхиси қўйилиб, тузалганига 3 ой ўтмаган бўлса, ПЗР-тести тўғрисида тиббий маълумотнома бўлса, ишлашга рухсат берилади.

Kazinform.

– Ҳамкорлигимиз ривожланаётганидан мамнунмиз. Сиз нефть-кимё мажмуасини куриш билан боғлиқ масалаларда биргалиқда ишляпсиз. Қозогистон Ҳукумати менинг номимдан лойихаларни амалга оширишда ҳар томонлама қўллов кўрсатади. Амала аниқ натижага эришишимиз керак. Яқинда ўтган Қозогистон ва Россиянинг минтақаларро анжуманида Владимир Путин билан иккى мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик масалаларни синчилаб ўрганиб, қатор лойихаларни муҳокама қилдик. Ҳар

бир янги лойиха соҳага юксак технологияларни пухта ўзлаштирган салоҳиятли кадрларни етказиб беришни талаб қиласди, албатта. Бугунги ёшлар эрта-индин ўрта-махсус, олий маълумотни эгаллаб, хориж тажрибасини ўрганиб, фан ва технологиялар берган имкониятлардан фойдаланган ҳолда саноатимиз ривожига хизмат қиласди. Мутахассислар тайёрлаша масаласида ҳам Россия Федерацияси энг яқин ҳамкорларимиздан бири, – деди Президент.

«СИБУР холдинг» раҳбари Дмитрий



БУЮК ҲУКМДОР СИЙМОСИННИНГ ТАЛҚИНИ

Шанба куни Туркистон мусиқали драма театрида машҳур «Бөрте» спектакли премьераси ўтди. Унда мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келган санъат ва маданият фахрийлари, зиёлилар ва санъаткорлар иштирок этишди.

Туркистон вилояти ҳокими Ўмирзақ Шўкеев янги театрнинг биринчи мавсумининг очилиш маросимида иштирок этди ва жамоатчиликни табриклади.

(Давоми 2-бетда). ▶

● Обуна – 2022

“Жанубий Қозогистон” газетасига обуна бўлинг!

Матбуот – жамиятнинг кўзгуси, кундалик ҳаётимизнинг ойнаси, шитоб билан ўтиб бораётган умр лаҳзаларининг қоғодаги инъикосидир.

“Жанубий Қозогистон” – республикамиздаги ягона ўзбекзабон давлат нашри, унда миллий қадрият, урф-одат ва анъаналаримиз ҳақидаги ранг-баранг мақолалар, янгиликлар, турфа ҳангомалар она тилимизда эълон қилинади.

Хурматли юртдошлар!
«Жанубий Қозогистон»га
2022 йилнинг биринчи
ярми учун обуна давом
этмоқда.



“Қазпочта” ҲЖ орқали:
Шимкент шаҳри учун – 2590, 85 тенге;
туманлар учун – 2911, 20 тенге.
Шимкент шаҳри учун таҳририят орқали бевосита обуна баҳоси – 1600 тенге.

БҮЮК ҲУКМДОР СИЙМОСИННИНГ ТАЛҚИНИ

(Давоми. Боши 1-бетда).



У Туркистонн туркй оламнинг маданий ва маънавий марказига айлантиришда театрнинг аҳамиятини таъкидлаб, санъат жамоасига муваффақиятлар тилади.

Премьерада иштирок этган Nur Otan партияси раисининг биринчи ўринбосари Бауржан Байбек ҳам самимий миннатдорчилор билдириди ва Президент Фармони билан янги давр бошланган Туркистондаги ўзгаришларга юксак баҳо берди.

Драматург, Қозогистон Республикаси Давлат мукофоти совриндори Дулат Исабековнинг «Берте» спектакли тарихий воқеаларни ўз ичига олади. Буюк ҳукмдор Чингизхоннинг рафиқаси Бўрте хоним ҳақидаги спектаклда қаҳрамон она-нинг мамлакат тарихидаги ўрни баён этилган. Янги театрнинг биринчи спектакли режиссёри, италиялик мутахассис Карло Шакалуга бу томошага катта тайёргарлик билан келган.

Премьера якунида Туркистон мусиқали драма театри директори Айнур Кўпбасарова томошабиннинг онг-тафаккур ўзгарган паллада юксак савияли асарлар яратилиб, туркистонликлар ва меҳмонларга эстетик завқ берса оладиган спектакллар таклиф қилинишини маълум қилди. «Берте» спектакли музаллифи Дулат Исабеков театр ходимларига миннатдорчилор билдириди.

Чингизхон ва Бўртенинг болалигидан буюк тарихий воқеаларга аралашгани ҳақида ҳикоя қилувчи спектакль томошабинлар томонидан юқори баҳоланди. Ушбу эътироф туркистонлик санъаткорларни руҳлантириб, фаолиятини янада кучайтириш ва такомиллаштиришга ундаиди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

Йуллар аҳоли турмуш фаронлиги, мамлакат тараққиетини белгиловчи мезонлардан биридир. Зеро, қаерда бундай ишлар кенг қулоч ёзса, ўша жойда замонавий инфратузилма иншоотлари қад ростлаб, аҳоли ҳаёт тарзи юксалиб боради.

Ташкил топганидан бўён Туркистон вилоятида 5 минг чақирик яқин ўйл фойдаланишга топширилди.

2018 йилдан 2021 йилгача 4 926,8 чақирик ўйл ва кўчалар ёки 2455та иншоотда (шу жумладан, 20та кўприк) қурилиш-таъмирлап ишлари олиб борилиб, фойдаланишга топширилди. Минтақадаги вилоят ва туман аҳамиятига эга автомагистрал ва аҳоли манзиллари кўчаларининг умумий узунлиги 17 682 чақирикни ташкил этади.

2018-2020 йилларда яхши ва қониқарли ҳолатдаги вилоят ва туман йўлларининг улуши 64,4 фоиздан 79гача ошиди ва жорий йилда максадли кўрсаткичини 87 фоизга етказиши режаланган.

Ҳозирда Туркистон вилоятида 45та асфальт заводи (кувати 6020 т/соат) мавжуд. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз мустақилликка эришган пайтдан бошлаб жанубий минтақаларда асфальт заводлари бўлмаган эди. 2019 йилда Жетисай, Мақтаарал ва Келес туманларида соатига 280 тонна асфальт ишлаб чиқариш кувватига эга Зта завод ишга туширилди.

Шунингдек, «Туркистон» индустриявий минтақасида соатига 520 тонна ва шаҳар ҳудудида 890 тон-

Вилоят иқтисодиётини ривожлантиришга 2021 йилнинг январь-август ойларида 321,7 млрд. тенге сармоя йўналтирилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 120,2 фоизга кўп. Давлат бюджетининг улуси 34,8 фоизни (111,8 млрд. тенге), шахсий маблағлар – 46,9 фоизни (150,9 млрд. тенге), қарз маблағлари 18,3 фоизни (59 млрд. тенге) ташкил этди. Асосий капиталга жалб этилган сармояларнинг катта қисми саноат (33,9 фоиз), кўчмас мулк операциялари (17,4 фоиз) санъат, кўнгилочар ва ҳордик соҳаларига тўғри келади.

САРМОЯ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

ВИЛОЯТ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА 321,7 МЛРД. ТЕНГЕ САРМОЯ ЙЎНАЛТИРИЛДИ



Курилиш ишлари ҳажми 148,1 млрд. тенге ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 123,9 фоизга ортди. Ўй-жой қурилишни ривожлантиришга 54,3 млрд. тенге сармоя йўналтирилган. Фойдаланишга берилган уйларнинг умумий майдони 363,6 минг квадрат метрни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига таққослаганда 111,5 фоиздан зиёд.

2021 йилнинг январь-июль ойларида Туркистон вилоятининг ташки савдо айланмаси 270,2 млн. АҚШ долларини ташкил қилди. 206,7 млн. АҚШ доллари – экспорт, 63,5 млн. АҚШ доллари импортни ташкил қиласди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

РАВОН ЎЛЛАР ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ВА ФАРОВОНИЛККА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА



на асфальт ишлаб чиқардиган 4та завод фаолият юритмоқда.

атрофи инфратузилмасини барпо этиш, хавфсизлик ва экологик омиллар алоҳида инобатга олинмоқда. Шу маънода, минтақамида замонавий ўйл ҳамда кўприклар қурилиши, аввало, йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг вақтни тежаш, экологик муҳитни яхшилаш, шунингдек, шаҳару қишлоқларимизнинг қиёфасини тубдан ўзгаришишдек эзгу мақсадларга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

Тўлебий тумани ҳокимлигининг навбатдаги режалаштириш мажлисисида қатор долзарб масалалар кўтарилиди. Чунончи, зотдор моллар ва уларни кўпайтириш билан боғлиқ муаммолар, томчилатиб сугориш, иссиқхоналар майдонини кенгайтириш, боғдорчилликни ривожлантириш, кўкаламзорлаштириш ва тозалик ойлиги ҳамда қишига тайёргарлик, кичик бизнес вакилларининг қонуний ҳақ-хуқуқларини тушунтириш, ҳимоя қилиш каби масалалар тадбирнинг асосий мавзуси бўлди.

АГРАР ИСЛОҲОТЛАР – ДАВР ТАЛАБИ

– Маълумки, туманинида давлатнинг қишлоқ ҳўжалиги соҳасида амалга ошириладиган исплоҳотлари, дехқон ҳўжаликларини қўллаб-қувватлаш бўйича маҳсус дастур ишлаб чиқилган, – деди туман ҳокими Т. Телрафаев. – Унда 2022 йилгача ўтказиладиган исплоҳотлар белгиланган. Лекин, Президентимиз жорий йилги Мактубида таъкидлаганидек, қишлоқ ҳўжалигидаги муаммоларни бартараф этмасдан туриб, иқтисодий исплоҳотларни муваффақиятли давом эттириб бўлмайди. Қишлоқларда янги иш ўринларини яратиш, аввало, ёшларни иш билан таъминлаш кечиқтириб бўлмайдиган вазифа. Бу масала ечимларидан бири – тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, илгор технологияларни жалб қилишидир. Қоловерса, ёшларни дехқончилик, боғдорчиллик, узумчилик соҳаларига кенг жалб этишимиз керак.

Ҳоким, шунингдек, қишлоқ ҳўжалиги ва ижтимоий соҳада ўйл қўйилаётган камчиликларни бирма-бир атаб ўтди ва мутасадди ташкилотлар раҳбарларига маҳсус топшириклиар берди.

Туман раҳбари зотдор молларни кўпайтиришга эътиборни кучайтириб, томчилатиб сугориш ва иссиқхоналар барпо этиш режасининг ижросини назорат қилиш ҳамда фойдаланилмай ётган ерларни давлатга қайтариш масаласи борасида комиссия тузишни топшириди.

Б. РЎЗИМАТОВА.

ЭЛ САЛОМАТЛИГИ – ДАВЛАТ БОЙЛИГИ

АРИСДА ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ МАЖМУАСИННИНГ ТАМАЛ ТОШИ ҚҮЙИЛДИ

Келгусида шаҳар ва қишлоқ фуқаролари учун тиббий хизмат арzon va сифатли бўлади. Арис шаҳри, Дермене қишлоқ округининг Санали аҳоли манзилида замонавий тиббий даволаш-соғломлаштириш мажмусининг қурилиши бошланди. Умумий қиймати ярим миллиард тенгени ташкил этадиган сармоявий лойиҳа – Арис шаҳри ва «Verum» тиббиёт компаниясининг ўртасида имзоланган меморандуми доирасида амалга ошади.

Мажмусининг тамал тошини қўйиш маросимида Арис шаҳри ҳокими Гулжан Курманбекова ва шаҳар маслаҳати котиби Амантай Байтанаев, «Verum» МЧБ компаниялар гурӯҳининг раҳбари Алишер Есмағанбетов ва маҳаллий фуқаролар иштирок этишиди.

– Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев жорий йилги Мактубида «Тиббиёт соҳасига сармоядорларни жалб қилиб, илгор технология ва янги тадқиқот ишларини ўзлаштиришни йўлга қўйиш керак», зарурлигини таъкидлаган эди. Демак,

маблағини қишлоқ фаровонлиги учун сарфлаб, Арис шаҳрига қарашли аҳоли манзилида сифатли тиббий хизмат кўрсатаман, деган сармоядорларни биз доим қўллаб-қувватлаймиз. Натижада, ахолининг саломатлиги мустаҳкамланиб, ҳаёт сифати яхшиланади, – деди шаҳар ҳокими Г. Курманбекова.

Умумий майдони 4 минг квадрат метрни ташкил этадиган мажмуда дастлабки ёрдам, кундузги ва кечки стационар, соғломлаштириш маркази, институт ва коллаж талабалари учун тиббиёт базаси



жойлашади. Энг муҳими, лойиҳа доирасида камида 100 нафар маҳаллий фуқаро доимий иш билан таъминланади.

Шуни таъкидлаш жоизки, бундай клиника минтақада илк мажмудардан бири бўлади. Замонавий мажмуда фойдаланишга топширилгач, фуқаролар компьютерлик томографиядан ўтиш учун

Туркистон ва Шимкентга бориб овора бўлишмайди. Шунингдек, сифатли тиббий хизматдан нафақат Арис фуқаролари, балки кўшини Ўрдабоши туманинг фуқаролари ҳам фойдалана олади.

**Туркистон вилояти ҳокимининг
матбуот хизмати.**

ЭЛГА МАҚБУЛ ЖАМОАТ ҚАБУЛИ

Туркистон вилоят маслаҳати депутати, Nur Otan партияси фракцияси аъзоси Динара Егамбердиева Қорасув қишлоғида жамоат қабули ўтказди.

Унда Nur Otan партияси Сайрам тумани филиали раисининг биринчи ўринбосари Алмас Абдиқадиров, Қорасув қишлоқ округининг ҳокими Дамир Сидиков, ҳокимликнинг масъул ҳодимлари ҳам иштирок этишиди.

Қабулга келган Оқбой ва Қорасув қишлоқлалининг тургунлари ахлат йигадиган ташкилотнинг иши яхши йўлга қўйилмаганидан шикоят килишди. Бу масала юзасидан ҳоким Д. Сидиков сўз олиб, янги ташкилот билан шартнома тузишганини маълум қилди.

Оқбой қишлоғининг бийи Мақсад Анорқулов қишлоқ канали таъмирталаб эканини айтди. Маълум бўлишича, 900 метр узунликдаги канални жорий йилда тўлиқ таъмирдан ўтказиш режаланган. Вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан акт тузилган бўлсада, канални таъмирлаш учун зарур маблағ ажратилмаган, оқибатда дехқонлар ва хусусий хўжаликлар экинзорларига сув етказолмай, азият чекишишмоқда. Шунингдек, Қорасув қишло-



ғида кўп қаватли уйлар қурилиши учун туман бюджетидан маблағ ажратиш масаласи ҳам ечимини топмаган.

Қабулда кўтарилиган барча масалалар депутатнинг шахсий назоратига олинди.

F. ИРИСКЕЛДИЕВ.

ВИЛОЯТДА ЙИРИК ҚОРАМОЛ СОНИ ОРТДИ



Туркистон вилоятида жорий йилнинг 8 ойида қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 405,6 млрд. тенгени ташкил этди.

Жўмладан, дехқончиликда бош, йилки – 385,2 минг бош, тута – 37, 9 минг бош ёки 110,2 фоизни ташкил этади.

Йил бошидан бўён минтақада 407, 7 млрд. тенгега саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди. 2021 йилнинг январь-август ойидаги ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг асосий кўрсаткичлари ўсмоқда. Тоғ-кон ишлаб чиқариши соҳасида ишлаб чиқарилган маҳсулот

хажми вилоядта ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ҳажмининг 44,2 фоизини 180 млрд. тенгени ташкил этди. Қайта ишлаш саноати (улуши 46 фоиз) маҳсулотининг аниқ ҳажм кўрсаткичи – 99,6 фоиз ёки маҳсулот ҳажми 187,7 млрд. тенгени ташкил этди.

Электр билан таъминлаш, газ, иситиш тизими, вентиляция ва сунъий ҳаво юбориш 34,9 млрд. тенгени ёки аниқ индекси – 118,1 фоизни ташкил этди. «Сув билан таъминлаш, оқава тизими, чиқиндиларнинг йигилишини ва тақсимлашни назорат қилиш» соҳасида 5,1 млрд. тенгелик маҳсулот қайта ишланиб, 2020 йилнинг тегишили даврига нисбатан 110,3 фоизни ташкил этди.

Муҳим маҳсулотлардан ун – 9,8 фоизга (139,5 минг тонна), кўрпа-тўшаклар – 1,5 марта (11,5 мингта), иссиқлик куввати – 29,8 фоизга (283,9 минг гкал. ошди).

Туркистон вилояти ҳокимининг матбуот хизмати.

90 МИНГ ГЕКТАР ЕРНИНГ СУВ ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНАДИ

**ТЕГИШЛИ МАБЛАҒ АЖРАТИЛСА, ТУРКИСТОН
ВИЛОЯТИДА 500 ЧАҚИРИМДАН ЗИЁД КАНАЛ
БЕТОН БИЛАН ҚОПЛАНИБ, 90 МИНГ ГЕКТАР
ЕРНИНГ СУВ ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНАДИ**



Давлат раҳбари Қ. Тўқаевнинг ҳалқа Мактубида белгиланган 120та канални тикилаш вазифаси доирасида Туркистон вилоятида 23та канал рўйхати тузилиб, ҚР Экология, геология ва табиий заҳиралар вазирлигига тақдим этилди.

Республикадаги обикор ерларнинг учдан бир қисми (548,2 минг гектар) Туркистон вилоятига тегишили. Сўнгги йилларда минтақадаги экин майдонларида 206,8 млн. м3 сув танқислиги кузатилмоқда. Ушбу муаммони ҳал этиш мақсадида минтақада бта йирик сув иншоатлари қурилиши юритилмоқда.

Чунончи, «Туркистон магистраль каналини тўлиқ таъмирлаш», «Кенсой-Қўшқўргон-2» сув омборини қуриш, «Еттиқўл қўллар тизимини янгилаш» лойиҳалари амалга оширилмоқда. Улар «Туркистон вилоятининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг 2024 йилга қадар мажмуавий дастури»га киритилган.

«Туркистон магистраль каналини тўлиқ таъмирлаш» лойиҳаси доирасида каналнинг 43 чақирими бетонланиб, натижада 22 млн. м3 сув тежалди, 1,5 чақирим канал бўйи ободонлаштирилади. Лойиҳа тўлиқ амалга ошса, 60 млн. м3 сув тежалади ва шаҳар ҳудудидаги 8 чақирим канал атрофи ободонлаштирилади.

«Кенсой-Қўшқўргон-2» сув омбори лойиҳаси бўйича вилоят марказига 34 млн. м3 оқар сув етказилади. Ҳозирги кунда тўғоннинг баландлиги 26 м.гача кўтарилиб, 70 фоизи бетон билан қопланди.

Натижада баҳорги сувларнинг 5 млн. кубометрини йигиш имкони пайдо бўлади. Қурилиш ишлари бу йил тўлиқ ниҳоясига етади.

Обикор сув танқислиги муаммосини ҳал қилиш йўлида «Сирдарё дарёсида насосли омбор қуриш», «Сарқирама» сув омборини қуриш» ва Кентов шаҳрида «Қўшқўргон» сув омборини тўлдириш каби лойиҳалар ҳам кун тартибида. Агар улар тўлиқ амалга оширилса, минтақа 252 млн. м3 қўшимча сув билан таъминланади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

• “Оқ олтин” – 2021

ЯНА “ТУРКИСТОН” НАВИ ВА СУВ ОМБОРИ ҲАҚИДА

Қорачиқлик тадбиркор Ҳабибулла Азимов раҳбарлик қилаётган “Турон” хўжалигида яратилган пахтанинг янги, миңтақамиз иқлими, шароитига мос, ҳосилдор ҳамда турли қалликларга чидамли “Туркистон” нави (тасвирда) вилоятимизнинг барча туманларида, хусусан, жануби ва шимолида минглаб гектарларда ажойиб натижага бермоқда. Иқонлик пахтакорлар ҳам ушбу навдан мамнун. Сифатли уруғлик чигитни эса “Турон” хўжалиги етказиб бермоқда.

– Жорий ийли 800 гектар майдонда етиштирилган “Туркистон” навидан юкори ҳосил олмоддами. Терим комбайнлари ишга тушган. Жаҳон миёсида Ливерпул пахта биржасида тола нархининг кўтарилиниги пахтакорларга мадад бўлди, – дейди Ҳ. Азимов. Қишлоқ окру-




ги ҳокими Нуржан Советули ҳузурида (тасвирда) Ҳабибулла Азимов Қорачиқ қишлоғида қурилиши режаланган янги сув омбори билан қизиқдим. Кўзланган ишларнинг 30 фоизи амалга оширилди, барча экспертиза таҳлил ҳужжатлари тайёр экан.

Мазкур сув омбори ишга туширилса (2022-2024 йиллар), қишлоқ атрофидаги қўшимча 1500 гектар ерда обикор дехқончиликни ривожлантириш имконияти юзага келади.

Ш. МАДАЛИЕВ.

● Ўлкам ҳусни гул-дарахт – кўчат экиб, боғ ярат!

Туркистон шаҳри қўчалари, Қорачиқ, Эски Иқон, Янги Иқон, Чўрноқ, Сувноқ, Ўранғой қишлоқлари ҳудудида дараҳатларни Туркистон ўмон хўжалиги бошқармасининг собиқ бошлиғи, қорачиқлик Саъдулла ота Ахмедов раҳбарлигида ўтқазилганини қарияларимиз бот-бот эсга олишади.



ДАРАХТ ЭККАН ЭЛДА АЗИЗ

Туркистонга хизмати сингган инсонлар ҳақидаги китобнинг илк саҳифасида С. Ахмедовнинг таржимаи ҳоли берилган. Туркистондаги қўчаларнинг бирига унинг номи берилган.

Бугунги кунда унинг иши давом этмоқда, шаҳримиз бўйлаб янги ниҳоллар ўтқазилиб, қўкаламзорлаштириш ишларига кенг эътибор қаратилмоқда. “Яшил белбог” дастури доирасида вилоят маркази атрофида “яшил белбог” барпо этилмоқда, бунинг учун шаҳар участкаларга ажратилиб, ҳар бирига масъул раҳбарлар тайинланди.

Айни дамда қўкаламзорлаштириш ишлари авжида. 2019 йилдан бўён 6-участкага зироатшунос Абдуқодир Абдувалиев раҳбарлик қилди. 45 гектар ер майдонига унинг бригадаси қай-

рағоч, заранг ва тераклар ўтқазиб, уларни парваришладилар. Вилоят ҳокими Ў. Шўкеев бу участкага ташриф буюриб, ямъишил ниҳолларни кўриб, миннатдорчилик билдирганини Абдуқодир ака мамнуният билан тилга олади.

Ўрта мактабдан сўнг Тошкент қишлоқ хўжалиги билим юритилинг зироатшунослик бўлимида таҳсил олган ҳамюртимиз 2000 йилдан бўён “Собир ота” дечқон хўжалиигига ҳам раҳбарлик қиласади.

Нафақага чиқса-да, ҳамон гайрат билан ўз хўжалигида фаолият юритаётган бободеҳқонга сиҳат-саломатлик, муваффақиятлар тилаб қоламиз.

С. ТУРСУНМЕТОВ.



Қорачиқ қишлоғида ёш авлодга маърифат улашган Гулбахор опа Қаюмова ҳақида сўз юритишини лозим топдим. Аввал тарихга бир назар ташласак.

Қорачиқлик уч дўст – Қосим Абдолимов, Низомиддин Собиров ва Қаюмжон Фаниевлар Тошкент темирйўл транспорти муҳандислари институтидаги ўқишини тамомлаб, йўлланма билан Тошкент темирйўллар бошқармасига ишга келишди. У даврларда Қозогистондаги қатор станциялар Тошкент темирйўллар бошқармаси тасарруфида эди. Қосим Абдолимов Туркистон станцияси линия ички ишлар бўлими бошлиғи, Низомиддин Собиров эса шу станция товар идораси бошлиғи бўлиб ишлади. Қаюмжон Фаниев эса Қизилўрда вилоятидаги Тўманариқ (номдош туманда) станциясига раҳбар этиб тайинланди ва умрбод шу заминда томир ёди, станция атрофини буғу рогга айлантириб, янги вокзал қўриб, ишга туширди. Қаюмжон Фаниев тўманариқлар ҳанузгача юксак эҳтиром ила тилга олишининг боиси ҳам шу, унинг

сурати ҳамон станция «Хурмат тахтасида осигурилди.

Бугунги кунда Ирисбой Қаюмжон ўғли Фаниев Тўманариқ туманида оиласи билан истиқомат қилади, умр йўлдоши

Менинг ҳамма истакларим, бутун вузқудим илм тарқатишга қаратилгандир ва мен буни ўзим учун энг улуг баҳт, деб биламан.
Абу Райҳон БЕРУНИЙ.

Ирисой ҳам, яқинда туширган келини Дилдора ҳам Қорачиқдан. Албатта, она юрт билан алоқа узилмаслиги, фарзандлари ўзбек муҳитидан чиқиб қолмаслиги учун куда-андайлик анъанасининг давомийлиги муҳим аҳамиятга эга. Ирисбой аканинг уйига борсангиз, ўзбекона мухит ҳукмрон, атласу адраслар, сўзана, «Тошкентча том», хуллас, опис заминданги ўзбек нафаси. Қаюмжон отанинг барча фарзандлари «Горняк» рус мактабида таҳсил олиб, Тошкентдаги нуфузли олий ўқув юртлари талабалари бўлишиди. Тўнгич ўғли Фарҳод – таникли тадқиқотчи олим, қатор илмий лойиҳалар етакчиси, бугунги кунда ўзбек сабзавот-

АЗИМ ДАРАХТ ТОМИРЛАРИ

полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти директори мувонини, Қаҳрамон – етакчи муҳандис-конструктор, бугунги кунда Буюк Британия пойтахти Лондон шаҳрида истиқомат қилади, Баҳодир – уста-дурадгор, жиҳоз устаси, Ирисбой – Тўманариқ темирйўл станциясида кассир. Қизлари Гулбахор – ўқитувчи, Санобар – Тошкент шаҳрида шифокор-гинеколог, Шоҳида – фармацевт, олий тоифали провизор.

Хизмат тақозоси билан бу жойга бориб қолсак, Тўманариқ станциясида ўзбеклар суполосини яратган Қаюмжон ота Фаниевнинг ёрқин хотираси олдида таъзим қилиб қоламиз.

Бугунги мавзумиз қаҳрамони Гулбахор Қаюмжон қизи ҳам ўша Тўманариқ станциясида дунёга келган. Тошкент Давлат университетининг биология факультетида “Турроқшунослик ва агрохимия” ихтиосослиги бўйича таҳсил олди, уни “қизил диплом”га тамомлади. Йўлланма билан 1984 йили июнь ойидаги Қорачиқ қишлоғида “Победа” жамоа хўжалигининг пахтазорда зараркунандалар билан курашда кенг кўлланиладиган капалак – “габробракон” етиштируви биолабораториясида лаборант сифатида меҳнат фаолиятини бошлади.

Жамоат ишларida фаол қатнашган ҳамюртимиз 1990 йили 28-30 марта кунлари Алматида ўтган Қозогистон Комсомоли-



нинг XVII Съездидаги ҳам делегат сифатида иштирок этди. 1990 йили май ойидан хўжалик партия кабинетига мудирилик қилган Г. Қаюмова 1996 йили “Қорачиқ” ширкати бошқаруви аъзоси этиб сайдланди.

2003 йили январь ойидан “Қорачиқ” ўрта мактабида биология фанидан сабоқ берган устознинг шогирдлари бугун нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олиши мөмкин.

Гулбахор Қаюмжон қизи кўп йиллар мобайнида биология фанидан туман олимпиадаси ҳакамлар ҳайъати, А. Яссавий номли ХҚТУда ЯМТ апелляция комиссияси аъзоси.

Умр йўлдоши Жонбобо Қаюмов – математика ўқитувчи, уста-педагог, кўп йиллардан бўён “Қорачиқ” ўрта мактаби касаба уюшмаси раиси, севимли рўзномамизни мунтазам қўллаб-куватлаётган жонкуярлардан бирди.

Улар 5 нафар фарзандни муносиб вояга етказишиди. Қизлари Гулшода – шифокор-нефролог, А. Яссавий номли ХҚТУ Тиббий клиникаси ва Туркистон шаҳар марказий касалхонаси гемодиализ бўлими мудираси, Динора УТТ ташҳиси шифокори эди, бу ёргу оламни барвақтар тарқ этди. Ҳуршида – шифокор-офтальмолого, бугунги кунда Қозоқ узлуксиз тиббий таълим университетида офтальмология соҳаси бўйича таълим олмоқда. Қенжаси Фаризахон – фармацевт-провизор, бу йил Жанубий Қозогистон Тибибиёт

Онларни муносиб вояга етказишиди. Қизлари Гулшода – шифокор-нефролог, А. Яссавий номли ХҚТУ Тиббий клиникаси ва Туркистон шаҳар марказий касалхонаси гемодиализ бўлими мудираси, Динора УТТ ташҳиси шифокори эди, бу ёргу оламни барвақтар тарқ этди. Ҳуршида – шифокор-офтальмолого, бугунги кунда Қозоқ узлуксиз тиббий таълим университетида офтальмология соҳаси бўйича таълим олмоқда. Қенжаси Фаризахон – фармацевт-provizor, бу йил Жанубий Қозогистон Тибибиёт

Сайд ХАЙРУЛЛОХ.

Суратларда: Тўманариқ станцияси бошлиғи қорачиқлик Қаюмжон Фаниев; устоз-мураббийлар Жонбобо ва Гулбахор Қаюмовлар.

ЎҚИТУВЧИЛАРГА ЭҲТИРОМ КЎРСАТИЛДИ

ВИЛОЯТИМИЗДА 4 НАФАР ЎҚИТУВЧИ ЙИЛНИНГ "ЭНГ ЯХШИ ПЕДАГОГ" УНВОНИГА ЭГА БўЛДИ



Ўқитувчилар куни арафасида "Ўздик педагог-2021" республика танлови натижаси чиқарилиб, Туркистон вилоятининг тўрт нафар муаллими илғорлар қаторидан ўрин эгаллади.

Ленгер шаҳрида Тўлебий тумани ҳокими девони раҳбари – Одоб масалалари бўйича вакили ташабbusi билан «Маслаҳатлар куни» тадбири уюштирилди. Унда иштирок этган туман «Ёшлар имконият маркази» қошидаги «Адолатли авлод» кўнгиллилар клуби аъзолари давлат хизматчилари билан дилдан сухбат қуриб, саволларига атрофлича жавоб олиши.

КУЧ – АДОЛАТДА

Тадбирда сўзга чиқсан нотиқлар ёш авлода пухта таълим-тарбия бериш, маънавиятини юксалтириш, уларни миллий ўзига хослигимизга ёт турли зарарли мафкуравий таъсирлардан химоялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлашди.

– Элбоши, Тўнгич Президент Нурсултан Назарбаевнинг «Келажакка йўллама: маънавий янгиланиш» мақоласи бу борада белгиланган вазифаларни изчил ва босқичма-босқич ҳаётга татбик этиш имконини бермоқда, – деди ҚР Давлат хизмати ишлари ва уюшган жинояччиликка қарши ҳаракатлар агентлигининг вилоят департаменти модератори Г. Мусабекова. – Уюшган жинояччилик – жамиятимиз учун энг хавфли иллат эканини тушуниб этган авлодгина баркамол хисобланади.

Таъкидлаш жоизки, тумандаги 67та мактабда клубнинг «Онгли фуқаро» бурчаги ташкил этилган, бу ерда турли маданий-маърифий ва ҳуқуқий тадбирлар, танловлар ўтказиб турилади.

ҚР Давлат хизмати ишлари ва уюшган жинояччиликка қарши ҳаракатлар агентлигининг вилоят департаменти 2019-2021 йилларга мўлжалланган уюшган жинояччиликка қарши дастурни амалга ошириш режаси ҳақида маъ-

лумот бериб, семинар-тренинг ўтказди.

– Халқимизнинг адолат ва ҳақиқатга интилиш, адолатли жамият қуришдек асрий орзуладан келиб чиқиб, ҳуқуқий демократик давлат қуриш борасидаги конституциявий меъёларни ҳаётга тизимли равишда ва кенг жорий этиш – устувор вазифамиз, – деди Г. Мусабекова. – Жамиядта демократик қадриятларнинг мустаҳкамланиши ва ривожланиши, адолат, инсон ҳуқук ва эркинликлари устуворлиги таъминланиши учун бор кучимизни сафарбар этамиз, – деди у.

Тадбирда, шунингдек, мамлакатимизда купай бизнес мухитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига, биринчи навбатда, ёшлар ва хотин-қизлар, касб-хунар билим юртлари битирувчилари учун янги иш ўринларини яратиш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, аҳоли фаровонлиги, турмуш дарражаси ва сифатини янада ошириш, ишини йўқотгандарга янги меҳнат ўринларини ҳамда касбий қайта тайёргарлик учун таълим олиш имкониятларини яратиш масалалари ҳам тилга олинди.

Б. ДЎСМАТОВА.



Туркистон вилояти, Сариоғоч шаҳридаги 4-ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг қозоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Султан Сулейменов, Жетисай туманидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчи Айтинаи Пазилова, А. Исмаилов номидаги касб-хунар коллежининг махсус фанлар ўқитувчи Мухтар Мирзаев ва Мактаарал туманидаги Т. Аубакиров номидаги умумий ўрта мактабнинг тарих фани ўқитувчи Тарбия Алибекова мамлакатимизнинг энг илғор ўқитувчилари деб эътироф этилди.

Ўқитувчиларнинг касбий байрами арафасида Таълим ва фан вазири Асхат Аймагамбетов

"Ўздик педагог-2021" республика танловининг голибларини тақдирлади.

Жорий йилда ўнинчи маротаба ўтган тантана Қозогистон Республикаси Мустақиллигининг 30 йиллиги арафасида уюштирилиб, маориф соҳаси билимдон Ибирай Алтинсарининг 180 йиллигига тўғри келди. Шу сабабли, байрам тантанаси Алтинсарининг түғилган юртида ташкил килинди.

2020 йилнинг январь ойида Давлат раҳбари Қ. Тўқаев "Педагоглар мақоми тўғрисида" қонунини имзолади. Натижада ўқитувчиларнинг ойлик маоши оширилиб, турили ортиқча вазифалардан ҳолос бўлишиди.

Тантанада республикамизнинг



турли бурчакларидан келган 64 нафар ўқитувчи "Ўздик педагог-2021" бўлиб, 1000 ОҲК (3 миллион тенге) миқдорида мукофот пули билан тақдирланди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ФОЛИБ МАШИНА БИЛАН ТАҚДИРЛАНАДИ

12-13 октябрь кунлари Туркистонда илк бор Қозогистон мусулмонлари диний бошқармаси шафелигида "Қуръони Карим тиловати ва қироат билан ўқиш" X республика танлови ўтади.



Мустақилликнинг 30 йиллигига бағишилаб, ташкил этилган ушбу танлов бу йил вилоятимиз марказида ўтмоқда. Қорилар танловда беллашибигина қолмай, балки қозоқ халқининг тарихий шахслари мақбараларини ҳам зиёрат қилишади.

Туркистон вилоятининг бош имоми Еркебулан ҳожи Қарақуловнинг айтишича, танловнинг бош соврини янги хориж автомобили ҳамда 500 минг тенгедан 3 млн.

тенегача бўлган пул мукофотлари.

Танловда, ҳар вилоятдан 4 даъвогар қатнашиб, омадини синаб кўриши мумкин. Фақат ягона шарти – даъвогарлар вилоят танловига қадар махсус саралаш босқичидан ўтган бўлиши керак.

Республика қорилар беллашибига ҚМДБ раиси, Баш муфти Н. Тағанули раислик қиласди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ЧЕККА ҚИШЛОҚЛАР ОБОД БЎЛМОҚДА

Тулкибош тумани 99,9 фоиз табиий газ билан таъминланди. Жорий йилда туман марказидан олиса жойлашган Ийирсув аҳоли манзилига газ қувурини тортиш ишлари бошланди.

Қурилиш ишлари келгуси йилда ниҳоясига етказилади. Ушбу ишлар тутатилса, Тулкибош вилоятда табиий газ билан 100 фоиз таъминланган дастлабки туманга айланади. Буни туман ҳокими Нурлан Мархабатули маҳаллий аҳоли билан учрашуvida маълум қилди.

Жорий йилнинг 9 ойида Тулкибош

тумани 2022 йилда табиий газ билан 100 фоиз таъминланади

қасабасида залворли ишлар амалга оширили. Чунончи, аҳоли талабига мувофиқ, қасаба марказидаги Б. Мўмишили истироҳат боғида замонавий болалар ўйин майдончаси ва стритворкот қурилди. Аҳоли манзили ёнидаги 36,6 гектар ерда инфратузилма ишлари юритилди. Ичимли сув, оқава ва электр тармоғи тортилди. Бу ерга 10 қаватли ўй, 146ta хусусий ўй ва ижтимоий аҳамиятга эга иншоотлар қуриш кўзланган.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

САРИОГОЧЛИКЛАР – ФОЛИБ!

Шимкент шаҳрининг Сайрам даҳасидаги 12-сонли спорт мактабида Қозогистон Республикаси Мустақилликнинг 30 йиллигига бағишилаб 2009-2010 йилларда түғилган ўсмирлар орасидан волейболдан спорт мактабининг очиқ биринчилиги ўтди.

И. ТОЖИБОЕВ.



хордиқа чиқсан 72 ёшли онахон бугун невара-эваралари ардоғида қариплик гаштини сурмоқда. Умр йўлдоши Болтабой ота Хонсаидов Туркистон таъмирлаш-механика заводида цех бошлиги бўлиб ишлаган. Улар 6 нафар фарзандни муносиб вояга етказишиди. Катта қизи Робияхон Дўйсметова, бугунги кунда "Чўрнок" ўрта мактабида рус тили ва адабиёти фанидан сабоқ бермоқда. Ўғли Дилмурад бобоси изидан борди, Ҳамза номли ўрта мактабда бошланғич ҳарбий таълим фани ўқитувчи. Қизла-

ри Дилором түғруқхонада доя-ҳамшира, Санобар шу ерда бош ошпаз, Нигора – стоматология клиникасида, Гулбаҳор – кардиология бўлимида ҳамшира. Неваралардан Дилшод, Шоҳруҳ ва Диана, невара келини Маҳлиёнхонлар ҳам педагогика соҳасини танлашган.

Ҳа, устозлар сулоласи асосчиси Қурбон ота Болтабоевнинг руҳига таъзим қилган ҳолда унинг қизи Мұхаррам аяга сиҳат-саломатлик тилаб қоламиз.

Сайд ТУРСУНМАТОВ.

Мусобақада саккизта жамоа иштирок этиб, голибликни сариоғочлик ёш волейболчилар кўлга киритиши. Ўрдабоши тумани вакиллари иккичи ўринга сазовор бўлишса, учинчи ўрин Қизилўрда шахри спорчиларига насиб этди.

● Мутолаа гашти



Кимдир ўй-кечинмаларини кундаликларда акс эттиради. Аммо тундалик ёзадиганлар ҳақида ҳам эшитганимисиз? Бунинг замонавий адабиётимиздаги классик намунасини Асқад Мухтор иходида кўриш мумкин. Адабнинг ҳаётий хулосалари, адабий қарашлари, жамиятга оид фикрлари – одатда тунда, уйқу қочганда келган мулоҳазалари жамланганда «Уйқу қочганда» номли ажойиб китоб барпо бўлган.

ХУДО ИНСОННИ БИР УМР БАХТ ИЗЛАШ АЗОБИ БИЛАН ЖАЗОЛАГАН

Яхши ёзувчи, яхши журналист бўлишни истаган, ёинки ҳикматли сўзлар шайдоси бўлган киши бу китобни албатта ўқиши керак. «Чинор», «Бухоронинг жин кўчалари», «Бўронларда бордек ҳаловат», «Даэр менинг тақдиримда», «Аму» каби асарлари билан ўзбек адабиётида ўзига хос мактаб яратган ёзувчининг тунги кечинмалари ҳеч бир кишини бефарқ қолдирмайди.

Китоб – бойпик. Лекин сотиб олингани эмас, ўқилгани.

Ўйлайманки, Ҳамлёт, Фарҳод, Дон Кихот, Обломов сингари образлар инсон хотирасига типик характер эмас, асосан типик муаммо, абадий савол сифатида михланиб қолган.

Чинакам бадиий асар ҳамма вақт жавобсиз саволдир, бордию, адаб унда бирор муаммо кўтарган бўла ҳам, бу - амалда ҳал қилиб бўлмайдиган муаммодир. Агар муаллиф амалда ҳал қилинадиган вазифа кўйса, асосан, очерк ёки мақола бўлади. Ёзувчи эса ташвиқотчи эмас, шоир бўлиши керак.

Шамол шамни ўчиради. Шунга ўхшаб, айрилиқ ҳам шунчаки хушторликини совитиши мумкин, чин муҳаббатни эса ўт олдиради.

Бахт – бойпикда, дессангиз, ҳамма баҳтсиз. Чунки ақллига кўп нарса керак эмас, аҳмоқ эса барибир тўймайди.

Икки маҳбус қамоқхона панжарасидан ташқарига қараб тураркан, бири ахлат уюмини кўрибди, бири – юлдузларни...

Ҳаёт шундай ажойиб мўъжизаки, ўлим унинг эвазига берилган арзимас бождор.

Одам маст бўлса, бир ухлаб тургач, хушига келади, аҳмоқ эса – асло. Бордию, одам ҳам аҳмоқ, ҳам маст бўлса-чи?

Ушалмайдиган орзу яхши, жавобгарлиги ҳам йўқ, дилингни аллалаб яшайверади. Аммо ушаладиган орзулар кўпинча алам билан тугайди. Сен доҳиёна шоир бўлолмасанг, бу бир наэ, ўтар-кетар... лекин кўнгил кўйганинг қўйни қиз эрга чиқуб кетса, бир умр куясан.

Францияда, Виши шахри яқинида Лапалисс деган жанобнинг қабри бор. У ҳаётлигига ҳаммаға маълум ҳақиқатларни гапириб одамларни безор қилиш билан машҳур бўлган экан. Қабр тошига шундай деб ёзидилар: «Вафотидан бир дақиқа олдин тирик эди».

Баъзи бирорларга шундай эпитафия таклиф қиласан: «Вафотидан анча олдин ўлган эди».

Бир эси паст гавҳарни денизга улоқтиради, кейин уни мингта доно излаб топа олмайди.

Худо инсонни бир умр баҳт излаш азоби билан жазолаган.

Қарилукдан кўрқма, унга ҳали етиш керак.

Шундай ўйларни кўрдикки, баҳтсиз бўлиш уят эди.

Агар биз тарихимиз қанчалик улуғ, маънавий меросимиз қанчалик бой, қадриятларимиз нақадар чексиз эканини яхши билганимизда эди... Флобернинг «Ҳақиқат лексикони»да бир гап бор: «Агар от ўзида қанча куч борлигини билгана, тушовлаб кўйишларига эрк бўрмас эди».

Уни ҳамма истеъододли ёзувчи деб ҳисоблар эди. Лекин бу масаввурни ўзи бузуб қўйди: ўзи ҳам шундай деб ҳисоблар экан.

Истеъодод нималигини, таркибий қисмларини билмайману, масаввур салоҳияти унинг жуда муҳим жиҳати эканига аминман. Биз қаҳрамонларимизни уларнинг ҳаракат ва вазиятларини аввал масаввур этамиз, кейин масаввурлаймиз. Жюль Верн ўзи кўрмаган шаҳарларни, масофаларни, ўлкаларни масаввурлаб, унинг бу масаввirlари ҳақиқатга яқин; Жонатан Свифт Марснинг ўлдошларини улар қашф қилинишидан 150 йил олдин масаввурлаб, Беруний Америка қитъасининг борлигини Колумбдан 450 йил аввал таҳминлаган. Тасаввур салоҳияти адаб истеъододини фан билан яқинлаширади.

«Вақт ўтъяти!» деймиз сал ҳазинлик билан. Бу гапни инсон ўзини овутиши учун ўйлаб топган. Аслида биз ўзимиз ўтъямиз...

Вақт ўтиши билан бирор ақлироқ бўлади, бирор – каттароқ.

Шеърни таҳлил қила бошлисалар, ғашимга тегади. Баҳорги соғ ҳаёнинг кимёвий таркибини ҳам текшириш мумкин. Аммо, ундан кўра, шундай кўяқрак тўлпатиб нафас олган яхшироқ эмасми?

Ўзимизда бўлган туйгуларни яшириш қийинми ёки ўзимизда бўлмаган туйгуларни ифодалаши? Шукур Бурҳон менинг бу саволимга шундай жавоб берган эди: иккаласига ҳам артистизм керак.

Ўзбек ҳалқининг номини ўзбекхон исми билан боғлашади.

«Ўзбекхон» ўзи қаердан келиб чиқкан?

Менимча, бу сўзнинг (демак, ҳалқ номинига ҳам) тархи анча узок. 721 йилда туркий қабилаларнинг қурултойи бўлган. Шунда Билга ҳоқон ўз нутқини бундай сўзлар билан бошлайди: «Эй, турк ўғиз беклари!» «Ўғиз» у вақтда «қабила» маъносига ишлатилган. Демак, «Ўғиз беги» – қабила бошлиги деган сўз. Ўғиз беклари замонида элнинг анча имтиёзли бир қатлами бўлган. Ўзбеклар туркийларнинг ана шу қатламига мансуб табақадан келиб чиқкан, деган фаразим бор.

Бойликни бойлик қилган – ўзимиз. Агар унга бунчалик сигинмасак, у бир тишинга арзимас эди.

Бой бўлиш учун кўп нарсани курбон қилиш керак: ҳаловат, саломатлик, гоҳо балки вижонни ҳам... Йўқ, менинг бунга курбим келмайди, мен унчалик бадавлат эмасман.

Мумтоз бадиий образлар кўп қаватли, яни чукурроқ ўйлаганинг сари янги-янги маънолар касб этгувчи бўлади. Рассом Рембрандтнинг «Гумроҳ ўғилнинг қайтиб келиши» деган асарини биласиз, албатта. Тағин бир эсланди...

Бир қарашда, бу – шахсий тақдир: ўйдан қочган бола экан, эсини ўйигиб олгач, отасининг олдига қайтиб келибди, ўз ўйим – ўлан тўшагим-да, дейсиз.

Яна бир қарасангиз, жами инсон болаларининг қисмати шундай: ёшлигида кўп уринади, адашади, ҳатолар қилади, тавбасига таянади, қўйилади, «от айланиб қозигини топади-да», тинчиди.

Яна чукурроқ ўйлаб кўрсангиз, бу ҳалқлар тақдирига ҳам хос. Мана, биз. Инқолоблар қилдик, қонлар тўқдик, қишилик қонунларини буздик, шариятга қарши бордик. Пешонамиз тақ этиб деворга текканди жон тинчлиги – иймон эсимизга тушди. Қўйила бошлидик, ўзлигимизни топгандаймиз. Аслимизга (ўйимизга) қайтмоқдамиз...

Кимнингдир ёзганига офарин, кимнингдир ёзмагани учун раҳмат.

Ёлғон ўзи унча ҳавфли эмас, унинг ҳақиқатга ўхшаб кетиши ҳавфли.

НАСРИДДИН тайёрлади.



«Ўзбекино» Миллий агентлиги ахборот хизматининг маълумотига кўра, агентлик Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти билан ҳамкорликда «SPECTRE» кинностудияси томонидан Ўзбекистон Қаҳрамони, ҳалқ шоири Абдулла Орипов ҳақида ҳужжатли фильм суратга олинмоқда.

Абдулла Орипов ҳақида фильм

Мазкур фильм жорий йил таваллудининг 80 йиллиги кенг нишонланаётган Абдулла Ориповнинг ҳаёти ва иходига бағишилнади. Сценарий муаллифи Фурқат Усмонов, режиссер Шоҳруҳ Расулов.

Фильм Тошкент шаҳри ва Қашқадарё вилоятида суратга олинмоқда.

УЗА.


ИТИФОҚ ФАХРИЙ ТЕМИРИЙЛЧИСИ ЭДИ

Туркистон шаҳрининг энг кекса ва нуронийларидан бири, СССР давлати фахрий темирийлчиси унвони соҳиби Олимжон Маман ўғли Йўлдошев 90 ёшида чин дунёга риҳлат қилди. Аллоҳ марҳумни ўз раҳматига олган бўлсигин.

Олимжон ота Қўшқўргон қишлоғига таваллуд топган. 1955 йили Тошкентдаги темирийл институтини аълога тамомлаган. Мехнат фаолиятини олий маълумотли темирийлчи-муҳандис сифатида қадрдан Туркистон станциясида бошлигани, пиллапоялардан суринмай ўтиб, бошлиқ ўринбосари лавозимига тайинланган. Комфирқа аъзоси сифатида меҳнатда тартиб-интизом, самарага ётибор қаратган. Туркистондаги «Борисовка» станциясига ҳам раҳбарлик қилди. Меҳнатлари турли мукофотлар, хусусан, СССР фахрий темирийлчиси унвони билан тақдирланган. Умр йўлдоши, Чога қишлоғига таваллуд топган Жаннат Абдуманонп қизи билан Камол, Абдураҳим, Маҳфуз, Клара, Алишер, Баҳтиёр исмли қобил фарзандлар тарбиялаб, олий маълумотли қилган. Невара, эвара, чеваралар кўрган пири бадавлат оила соҳиби эди.

Мазкур мусибат муносабати билан доимий обуначимиз, Туркистон шаҳар партия қўмитасига ишлаган, буғунги кунда Собиржон Исҳоков раҳбарлик қилаётган, Қозогистонда сифатли маҳсулотлари билан машҳур «Гранд Микс» мебель жиҳозлари корхонасида бошлиқ ўринбосари, Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси Камол Олимжон ўғлига ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор қиласиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.



ДЕНІ САУДЫН – ЖАНЫ САУ!

Мен сөзимді Сара Назарбаеваның мынадай сөзимен бастағым келіп тұр: «Дені сау сәби әр отбасының қуанышы, бақыты. Ал денсаулығы мықты сәби – халықтың болашағы, Отанының сенімді тіреғі».

«Ауырып ем іздегенше, ауырмадын жолын ізде» деп дана ҳалқымыз тектен текке айтпаған. Адам – өз өмірінің сөүлетшісі, денсаулығының сақшысы. Кейде жалқаулығымыздың кесірінен денсаулығының көмүрлайлықарап, соңынан бармақ тістеп өкініп жататынымыз бар. Денсаулық – теңдесіз байлық. Оны ешқандай дуниемен алмасыруға болмайды. Сондықтан денсаулығының күту – біздің ең бірінші міндеміз.

Денсаулық. Көң түсінік. Біреулер денсаулықты жастықпен, әдемілікпен байланыстырады. Басқа біреулері ол бетінің шырайлығы мен жігерлігі күши.

«Асқан байлық не керек, денсаулығың болмаса» – деген ойдың мағынасына мән берсек, денсаулықтың қадірін кей кезде кеш біліп, соның зардабын кеш сезінеміз. Өркениетті елдің әрбір азаматының денсаулығы мықты, халахуалы жақсы болуы үшін зиянды әрекеттерден – ішімдік, нашақорлық, шылым шегушіліктің денсаулыққа, болашақ үрпаққа жау екендігін түсіндіре отырып, спортпен белсене шүғылдануына ықпал ету. Денсаулық туралы сөз қозғаңда адам жанының арашашысы, ақ халатты аблаз жан дәрігерлердің еңбегін атап еткениміз жән болар. Олар бар қүнжігірін адам денсаулығын сақтап қалуға жұмсал, күнтүн аянбай еңбек етуде.

Севара АЛИХАНОВА,
№12 Шымкент қалалық емханасының ЖТ дәрігері.



ҚР Соғликни сақлаш вазири: «Қозогистонда коронавируснинг түртта түлқини ўтди».



Сұхбатдошимиз – ҳофиз, яқақон хонанда, Тұрабек Худойберганов қутлуғ 70 ёшини қарши олмоқда.

Чексиз осмон остида ҳеч бир нарса абадий эмас. Ҳар бир авлод ўз издошларига үрнини бүшатади. Бу – вақтнинг ҳұмми. Шунинг учун ҳам саҳна ҳамиша навқиран. Шоир: «Юзни күрмөң қиын бөкіб яқиндан, ҳар нарса йироқдан күринар аән», деганидек, Тұрабек Худойбергановнинг ички дүнёсига бир назар таштаймиз.

– Бириңчи саволим, Тұрабек Худойберганов ким? Келинг, шу саволга жаоб билан бошлаймын.

– Қиын савол...1951 йилда Қорабулок қишлоғыда дүнёға келгеннан. Шу қишлоқда Ҳамза номлы мактабни тамомлаб, Тошкент давлат консерваториясыда бир йил тайёрлов курсида ўқидим. Тұрт йил мусиқа мактабида таҳсил олдым. Қорабулок қишлоғидаги Маданият уйида мусикарахбары, «Чашма» санъат уюшмасида бадий раҳбар бўлиб ишладим.

– Ҳонанда учун энг муҳими нима?

– Ҳонандалик санъати мусиқа талқинида дастлабки омил ҳамда жуда қамрови кенг бўлган, услугубарга бой, турли йўналишларда шаклланиб, ривожланиб келганини билан аҳамиятлидир. Унда сўз, мусиқа, мулоқот ва руҳият бўлиши керак ва шу каби қатор омиллар бўлиши зарур. Ҳар бир ҳонанданинг репертуарида класик қўшиқлар бўлади. Мусиқа ижрочилиги амалиётнан ана шундай хусусиятларга имкон даражада кўпроқ эга бўлган санъаткорина мумтоз мусиқа намуналарини мукаммал талқин этишга қодир бўлади. Акс ҳолда, омад ундан юз ўтиради.

Агар бирор бир санъаткор мен мана шу касбни танлаганимга ҳеч қаңон афсус чекмаганман деса, у ёлғон гапирган бўлади. Демак, у ижод қилмаган, касбнинг оғриқларини юрагидан ўтказмаган, «санъатнинг мураккаб йўли»дан ўтмаган ва ҳеч қандай тўсиқларга дуч келмаган.

– Ҳаётда ўз тамойилларингиздан воз кечган вақтларингиз ҳам бўлганми?

– Шахсан ўзимнинг манфаатим учун тамойилимдан чекинганман. Лекин менинг ҳаётимдан ва мен қадрият деб билган нарсалардан-да қадри, азиз инсонлар – яқинларимнинг азият чекмаслиги учун қайсирил маънода чекинганман. Биламан, тамойилларим билан кўп нарсанни ютқазишм мумкин. Ютқазгандарим уларни ушлаб туришимга арзийдими? Арзиса ҳам мен ҳақиқатимни, агар жи-

Тұрабек Худойберганов: САНЪАТКОРНИНГ ҚАЛБИДА ИЖОД ДАРДИ БЎЛСИН

гарларим озор чекмаса, ушлаб тураман. Иродамни шу орқали тоблайман, қаочон-гача дош беришни синайман. Одамзод ўзининг ҳаётін дастурига амал қилиб келаётгани учун ҳам башариятнинг бу кўхна араваси ўз йўлида давом этяпти.

– Устозларингиз...

– Ҳалқимизнинг севимли санъаткорлари – Фахриддин Умаров, Жўрабек Муродов, Отажон Худойшукоров, Бобомурод Ҳамдамов, гарчанд менга бевосита санъат сирларини ўргатмаган бўлса-да, уларни устозим деб биламан.

– Бугунги кун қўшиқчилигига бир назар ташласак. Сизнинг ёшлиқ даврингиз билан ҳозирги даврнинг ўзгачалигини нечоғлик ҳис қилмоқдасиз?

– Мустақиллик йилларида янги ёш истеъодларни излаб топиш, ҳар томонлама қўллаб-куватлаш, қўшиқчилик санъатини дунёга танитиши ишлари кенг миёсда йўлга кўйилиб, давлатимиз томонидан она заминимизни улуғловчи, ёшларимиз қалбида Ватанга муҳаббат туйғуларини уйғотовчи, бадиий жиҳатдан етук асарлар яратиш вазифалари белгиланди. «Жас қанат», «Азия дауысы», «Офарин» кўрик-тандловларининг ўтказилиши бу гапларимнинг далили. Бироқ, санъатда миллый асосга эга бўлган ҳалқичил услубни шакллантириш жараёни суст кечачи-гани аччик бўлса-да, ҳақиқат. Миллый анъаналаримизга, ахлоқ-одоб қоидаларига мутлақа тўғри келмайдиган клиплар, турли тиллардаги сўзларни қоришилди ёки талаффузни атайлаб бузуб айтиш каби но-муносиб ҳаракатларни айрим ёш ижрочилар ўзи учун қандайdir «янгича услуб» деб билаётгани, менимча, санъатни, унинг моҳияти ва аҳамиятини тушунмаслиқдан бошқа нарса эмас. Зоро, катта саҳнага чиқаётган ҳар бир ҳонанда ўзига ўзи «Мен нимани ва ким учун куйляпман, муҳлислар менинг қўшиқларимни тингляйтими?» деган саволни бериб туриши керак. Ёш ҳонандалар, бириңчи навбатда, мусиқий саводхонликка, бадиий сўзга, талаффузга жиддий эътибор қаратишлари керак. Қолаверса, бизда азал-азалдан давом этиб келаётгани устоз-шогирд анъаналари мавжуд. Ҳалқимиз «Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўргалар», деб бежиз айтмаган. Баъзан ҳали ўзи шогирд дара-жасида бўлган ҳонандаларни «устозим» деб юрган ёшлар ҳам учраб турибди. Ваҳоланки, эрта-индин чин маънода санъаткор бўламан деган ёш истеъоддэзаси тўғри йўлни топа билиши учун устоз санъаткорлар этагидан тутиши, улардан ўрнак олиши ниҳоятда муҳим. Бизнинг ёшлиқ давримизда рубоб билан доира ёрдамида бадиий ҳаваскорларимиз кўй-қўшиқлар ижро этган бўлса, ҳо-зирги ёшларимиз учун замонавий мусиқа асблобларининг барчаси муҳайё. Фақат излан, ўрган, ижод қил.

– Суҳбатимиз бошида «санъатнинг мураккаб йўли» деган иборани ишлатдингиз...

– Тўғри. Санъаткор бўлиб яшаш, санъатнинг нонини ейиш осон эмас. Мен бунга кўп бора гувоҳ бўлганинан. Ёшлиғимдан санъатнинг машақатлари ҳақида кўп

эшитганман, аммо унча ҳис қилавермас-дим. Бироқ ёш им улгайиб, ўзим санъатга кириб келгач, унинг қанчалар мушкул эканлигини англаб етдим. Санъат бу шунчаки қизиқиш, элга танилиш ёки орзу-ҳавас эмас. Санъаткор бўлиш, ҳалқнинг кўнглидан жой олиш учун тинимсиз меҳнат, интилиш, сабр-тоқат ва катта куч керак. Ҳар хил гап-сўзлар, ҳар хил кўнгил-сизликлар бўлади. Уларга чидаш керак. Битта қўшиқ яратишнинг ўзи машақат бўлса, у билан бирга ҳалқ кўнглидан жой олиш яна ҳам қийиндир.

– Санъатнинг кучини қандай ҳис қила-сиз?

– Санъат яхшини ёмон, ёмонни яхши қиломас экан. У фақат эзгуликка мойил, яхшилика ишонувчан, нозик қалбларга далда бўла олиши мумкин экан. Боланинг кўзларига қаранг, қандай масъум! Одам бу ҳаётга баҳтли бўламан, сева-ман-севиламан, деган чиройли ниятлар билан кириб келади. Лекин бора-бора



бу нигоҳлар сўнади, ... муҳаббат тўла нигоҳлар ўз ўрнини армонга бўшатиб беради... Санъат бизга эзгуликка бўлган ишончимизни сақлаб қолишимиз, қалби-мизни, ҳеч курса, хаёлларимизни асраб қолишимиз учун ҳам керак. Қўшиққа куй бастанлаб, ижро этилиши билан санъатга айланиб қолмайди-ку ахир. Ижодий жараён жудаям мураккаб ҳодиса. Шу билан бирга унинг натижаси ҳам англаб бўлмас даражада сирли. Ижоднинг ма-

шақатлари, уйқусиз тунлар, тинимсиз меҳнатлар, ҳар томондан отилган тошлар, турли-туман рост-ёлғонлари бўлади. Санъат бу муҳаббатдир. Санъат бу кўнгилларга қувонч улашувчи дарддир. Нафақат санъат, балки барча соҳаларда ҳам муҳаббат бўлиши керак. Агар инсон ўз соҳасини, ўз касбини севмаса, у ўз ишининг устаси бўла олмайди. Ишонасизми, даврада мени олқишаётган, ўз меҳрини, муҳаббатини изҳор этаётган, менга термулиб турган минглаб муҳлисларни кўраман-у жонимни азоблаётган оғриқларни ҳам унутаман.

– Шундай элга манзур асарлар борки, уларнинг муваффақиятлари асо-сини ё дард, ё қувонч ва ёки муҳаббат ташкил этади. Сизнинг муваффақиятли чиқан қўшиқларингизнинг асосида нима ётади?

– Санъаткорда, аввало, дард бўлиши керак. Бу дард ўз дарди эмас. Балки мингларнинг, миллионлаб инсонларнинг дарди бўлмоғи лозим. Ҳар кўшиқ ҳалқнинг ёки шу жамиятда яшаётган қайсиридан инсоннинг дарди бўлиши керак. Чунки кўшиқ таъсирчан ва ишонарли чиқсагина элга манзур. Мен ҳар бир кўшиқни юракдан ҳис қилиб, ижро этишга ҳаракат қиласман.

– «Жанубий Қозогистон» газетаси муҳлисларига тилакла-рингиз.

– Биз, санъаткорларнинг баҳти-мизга соғ ва омон бўлсинлар. Ватанимиз гуллаб-яшасин. Ҳар доим юртимизда байрамлар бўлсин! Биз санъаткорларга ҳалқимизнинг яхши кунларида хизмат қилиш наисб этсин. «Жанубий Қозогистон» газетасининг мавқеи кундан кунга ортиб бор-мокда. 30 ёшга тўлган газетанинг муштарилари сони ортиб, 20 мингга етисин. Юртимиз хонадонларида тўю томошалар кўпайиб, биз санъаткорлар ана шундай байрам ва тадбирларда, эл хизматидан чарчамайлик.

Муроджон АБДУНАБИ ўғли.

Муҳлисларнинг дил изҳори

Тұрабек Худойбергановнинг қўшиқларини эшишиб, болалигиданоқ севиб тинглайман. Соҳир овоз соҳиби. Мумтоз шеъриятимиз вакиллари Лутфий, Навоий, Бобур, Машраб ғазалларини ўқиганимизда, уларнинг лугавий маъносини англашимиз, бир оз бўлса-да, қўйинчилик түғдиради. Ҳонанда ижросида ушбу ғазалларнинг дона-дона қилиб айтилган сўзлари, ургу берилган авж пардалари беихтиёр дилларни ром этиб, ўзининг мақсадини аниқ баён этади. Мухтасар қилиб айтганда, Тұрабек Худойберганов – талаффузида сўзларнинг ёрқин маънолари жилоланадиган ҳоғиз...

**Муроджон ТОЛИБЖОНОВ,
КамАЗ автомобилларини
таъмирловчи уста.**

Бир ойдан кейин унумтилиб кетади-ган қўшиқлар ҳам бўлади. Қўшиқнинг бокийлигини устоз санъаткорларнинг шогирларигина таъминлай олади. Тұрахон Худойберганов мана шундай устоз санъаткорларнинг қўшиқларининг бардавом бўлишига улкан ҳисса қўшиб келаётган санъаткор.

Унинг ижросида Фахриддин Умаровнинг «Мени ёд эт», «Эй муҳаббат», «Онам дерман» қўшиқларини қайта-қайта эшишсак ҳам ҳар сафар ҳаяжон билан, тўлқинланиб тинглашдан чарчамаймиз. Минг-минглаб юртдошларимизни ўтган асрнинг иккинчи яримда маҳлиё қилган қўшиқлар Тұрахон ака ижросида ҳануз хонадонларимизда севиб тингланмоқда. Севимли хонандамизнинг ижодига баркамоллик тилаб коламан.

**Зокиржон САЙДАЛИЕВ,
тадбиркор.**

Директор-Бош муҳаррир —Алишер Ғофуржон ўғли СОТВОЛДИЕВ.

Масъул шахслар:

Туркестон, Кентов — Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07.
Тұлебий — Баҳорой ДҮСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.
Қазигурт — Хуршид ҚУЧКОРОВ. +7-701-447-37-42.
Сайрам — Мұхтарбар ҰСМОНОВА. +7-707-257-97-36.
Тулкибош — Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7-747-144-60-71.
Обуна, реклама ва эълонлар — Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7-702-278-96-90

Қозогистон Республикасида тарқатилади.

Муассис – Туркистан вилояти ҳоқимлиги.

Мулк эгаси – «Жанубий Қозогистон» вилоят ижтимоий-сийеси газетаси таҳририяти» масъулияти чекланган биродарлиги.

- Маколалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муалифлар, реклами ва эълон берувчилар масъулдоридир.
- Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Диваев кўчаси, 4-йй, 4-қават. Телефон: 53-93-17. Телефакс: 53-92-79. Бухгалтерия: 39-16-44. +7-747-701-50-55

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Газета КР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 априлда рўйхатга олиниб, KZ34VRU0022503 гувоннома берилган.

Буюртма:

2653.

Навбатчи муҳаррир: Мұхтарбар ҰСМОНОВА.

Бош муҳаррир
Үрингбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ.
Авазхон БЎРОНБОЕВ.

Масъул котиба –
Шаҳноза ҰСМОНОВА.